

Зухраhon Абдулҳакимхон қизи

БОЛАЛИКНИ ҚЎМСАЙДИ КЎНГИЛ

Шеърлар



«Фаргона» нашриёти
2008 йил.

84(55)6


Зухра Абдулҳакимхон қизи 1977 йилда Чуст туманининг Ғова қишлоғида туғилган, Наманган Давлат Университетини тамомлаган. Шеърлари туман, вилоят вақтли матбуот нашрларида тез-тез босилиб туради.

«Болаликни қўмсайди кўнги» муаллифнинг биринчи китоби.

Ушбу китобимни отам Абдулҳакимхон Дарвишхўжаевнинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Муаллиф.

Ю 34482
0



© Зухраҳон Абдулҳакимхон қизи. «Фаргона» нашриёти.

ВАТАН

*Фиқор-ла номингни тилга оламан,
Абадий яшагин, мангу бўл, Ватан.
Тупрогинг мен учун азиз жондан ҳам,
Асл фарзандингман, сен-отам, онам.
Нақадар қалбларда суюксан, Ватан,
Неки бор, баридан буюксан, Ватан!*

*Васлингни куйламоқ мен учун шараф,
Асло тўймагайман ҳуснингга қараб.
Танҳо сен бир тараф, дунё бир тараф,
Таърифинг ёзмоққа ожизман ажаб...
Нақадар қалбларда суюксан, Ватан,
Неки бор, баридан буюксан, Ватан!*

*Сени деб жонидан кечганлар қанча,
Армон-ла дунёдан кетганлар қанча.
Тўмарис ва Широқ, ҳатто Муқанна,
Ажал отлиқ ёвни енгганлар қанча...
Нақадар қалбларда суюксан, Ватан,
Неки бор, баридан буюксан, Ватан!*

*Асрлар оша сен боқий бўл, доим,
Азиз она юртим, Ўзбекистоним.
Гинчлик, озодлик ёр бўлсин, илоҳим,
Асрасин ганимдан сени худойим.
Нақадар қалбларда суюксан, Ватан,
Неки бор, баридан буюксан, Ватан!*

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

*Агар қалам олсам қўлимга
Тугёнлар жўш урар росмана.
Зулфияхон кўзим ўнгида,
Гавдаланар сиймоси яна.*

*Юзларидан ёгилади нур
Кўзларидан таралар меҳр.
Нигоҳига ярашган гурур,
Сиймосида бор ажиб сеҳр.*

*Қўлга олиб у қогоз, қалам
Ижод этар гулзор – чаманда.
Шундай гўзал эди ул санам,
Пойидачи гуллар шарманда.*

*У ҳақиқий садоқатли ёр,
У ҳақиқий меҳрибон она.
Ўтказган кўп тунларни бедор,
Шеър ишқида ёниб мардона.*

*Ҳар гал қалам олсам қўлимга
Ҳаёлимдан ўтар у бир зум.
Бир шоира кўзим ўнгида
Шеър ёзади узундан узун...*

ОТАЖОНИМ – АРМОНИМ

*Йўлларимда сарбоним,
Дардларимга дармоним.
Сизга зор-зор ҳар оним,
Отажоним-армоним.*

*Бу бешавқат дунёда,
Ғамим мани зиёда.
Бўлдингиз-ку увол-а,
Отажоним-армоним.*

*Баъзан тўйдик оламга,
Ер тўймади одамга.
Кўнгил тўла аламга,
Отажоним-армоним.*

*Бўлиб қолсам тўрт-беш ёш,
Бағрингизга қўйсам бош.
Афсус энди йўқ илож,
Отажоним-армоним.*

*Болалигим-бокирам,
Сиздан ёдгор-хотирам.
Ортга қайтгим бор бирам,
Отажоним-армоним.*

*Сизни излай қайлардан,
Юлдузданми, ойлардан.
Ундан олис жойлардан,
Отажоним-армоним.*

УСТОЗ

(мактабда кўшиқ қилинган)

Гулга боғбон бўлмаса,
Гул эмас, у ҳазондир.
Устоз-сарбон бўлмаса,
Ҳаёт йўлсиз қарвондир.

Сиз деб қучдик самони,
Сиздан билдик дунёни.
Ўргатдингиз илму-фан,
Комил инсон бўлмоқни.

Кўзимизга нур зиё,
Бахш этдингиз кўп, бекам.
Сизсиз унмас ҳеч гиёҳ,
Сизсиз йўқдир нажот ҳам...



БОЛАЛИК

*Энди қайтмас эртақдек кунлар,
Ҳаёлларга айланди бари.
Бегуборлик дамларин қўмсар,
Ёниқ қалбим ўртанган сари.*

*Ортга қайтармиди ой-йиллар,
Хотиралар кетарми нари.
Болаликни кўнгил қўмсайди
Ёшлиқ ўтиб боргани сари.*

КУЗ КЕЛСА

*Куз келса...
Ҳазон шитирлайди менинг кўнглимда,
Мен сизни соғиндим, соғинганим рост.
Гўдакдай осилар маҳкам бўйнимга,
Мени соғингандай минг битта азоб.*

*Куз келса...
Ёмғир томчилайди киприкларимдан,
Юрагимда эса санчадир чақмоқ.
Энди излаб боринг сиз изларимдан,
Яратиб қўйибман сиз учун сўқмоқ.*

Куз келса...

Учириб кетади шамол барини,

Биздан қолмаслиги мумкин ном-нишон.

Аммо севги деган куйнинг авжини,

Ўчириб бўлмайдди ҳеч вақт, ҳеч қачон.

АРМОН ЯШИРИН

Бошим узра сабо елади,

Рашкчи булут куйиб йиглади.

Томчиларчи бағрим тилади,

Кўзларимда уммон яширин.

Бахтдан қониб, севдим, севолдим,

Мангу олов-ўт бўлиб ёндим.

Юрагимда недир қолди-ю,

Кўзларимда армон яширин...

УНУТИШ ОҒИР

*Умр-ортга боқмас ва қайтмас карвон,
Кимлардир бахт топар, кимлардир
армон,*

*Хоҳ қимматли бўлсин, хоҳи у арзон,
Унутилиш оғир, унутиш оғир.*

*Дард - бут-бутун, юрак парча-парчаси
Унга ҳар он очиқ кўнгил дарчаси,
Усиз куним бекор билмам қанчаси,
Унутилиш оғир, унутиш оғир.*

*Қувонч - кимдир тонгда излаб юрган
бахт,*

*Топилгач, бир куни йўқолар албат,
«Дунё фоний, ёлғиз хотирот абад,
Унутилиш оғир, унутиш оғир».*

ДАРДЛИ ДУНЁ

*Дардли дунё дардларинг ол,
Сира тўкмай кўз ёшларимни.
Энди яшай мен ҳам безавол,
Сенга бердим бардошларимни.*

*Керак эмас қайғу, алам, гам,
Қувонч, шодлик келгандир пайти.
Насиб этгай балки менга ҳам,
Эртақдаги малика бахти.*

*Орзусига етгай ҳар одам,
Юраги пок бўлса агарда.
Зор-интизор кутган шахзодам,
Олиб кетгай мени албатта.*

ОЛИС-ОЛИС ТОМОНЛАРДА

*Олис-олис манзилларда
Юрибсизми соғ, омон.
Менинг эса кўзларим тўрт,
Маҳзун боқар йўл томон.*

*Билар экан фақат ошиқ,
Куйган юрак дардини.
Билмадингиз сизни жондан,
Суйган қизнинг қадрини.*

*Олис-олис томонларда,
Юргандирсиз соғ-омон.
Сизсиз ёлғиз юраккинам,
Қийналди-ку кўп ёмон.*

*Соғинчларнинг азобидан,
Кўздан ёшим томчилар.
Армон отлиқ аравакаш-
Киприкларим қамчилар.*

*Олис-олис манзилларда
Юрганмишсиз соғ-омон.
Ҳижронларда қоврилдим-а,
Менга тутманг сиз осон.*

*Бу дунёнинг қувончидан,
Ғам-ташвиши кўп экан.
Ҳар қачонки бахтлиман деб,
Яшаганлар йўқ экан.*

*Олис-олис томонларда,
Юраверинг сог-омон.
Майли қайда бўлсангиз ҳам,
Завол кўрманг ҳеч қачон.*

*Ҳар гал кўкда ой чиққанда,
Эсга олинг бизни ҳам.
Йўлларингиз ёритгувчи
Зухро юлдуз-қизни ҳам.*

ЎТИНЧ

*Ўтиниб сўрайман Аллоҳим сендан,
Менга ҳам бахт бергин, саодат
бергин.*

*Соғликни кетказма Вужуддан, тандан,
Синоат дунёда қаноат бергин.*

*Майлига гам бергин шириндан ширин,
Майлига кўзимга жиққа ёш тўлдир.
Муҳаббат майидан беармон ичир,
Ўлдирсангда фақат ишқни деб ўлдир.*

ҚАБРИСТОНДАН БОШЛАНАР БАҲОР

*Қабристондан бошланар баҳор
Уфуради ҳаёт нафаси.
Эриб кетгач сўнгги оппоқ қор
Униб чиқар кўклам майсаси.*

*Қабристондан бошланар баҳор
Чугур-чугур сайрар қушчалар.
Жўр бўлади шилдираб анҳор,
Хиром айлар раққос гунчалар.*

*Қабристондан бошланар баҳор
Замин узра гилам тўшалган.
Бу заминда азиз дадам бор,
Қабри усти гулга ўралган.*

*Қабристондан бошланар баҳор
Қўлида гул қизингиз келди.
Соғинчларим сизга бетакрор,
Куйлаб берсин шаббода-элчи.*

Қабристондан бошланар баҳор
Рухингизни илгайман хира.
Бу дунёдан аламларим бор,
Меҳрингизга тўймадим сира.

Қабристондан бошланар баҳор
Ёшим томди шудринг мисоли.
Шунда бирдан ёришиб мазор,
Бўйин чўзди дийдор ниҳоли.

Қабристондан бошланар баҳор
Кенг дунёга сизмади отам.
Ёлвораман, худойим зор-зор,
Чинор умрин яшасин онам.

Қабристондан бошланар баҳор
Ҳеч ўйламанг ҳаёт ўлик деб.
Бу заминда азиз дадам бор,
Баҳордайин мангу тирикдир.



КҮНГИЛ

Кўнгил!

*Не сан ўзи, сени кўриб бўлмаса,
Недирсанки, сени тутиб бўлмаса.*

*Не экансан сени тўлдириб бўлмас,
Не эурсан сени кўндириб бўлмас.*

*Гоҳида-чи бўшлиқ бўлиб қоласан,
Гоҳо эса тўлиб-тўлиб тошасан.*

*Нега сенинг рангинг ё оқ, ё қора,
Баъзан бутун, баъзан бағринг минг
пора.*

*Кўзлар кўрмаганни кўра оласан,
Кези келса басир бўлиб қоласан.*

*Жуда кенгсан-дунё сизгади сенга,
Қил ҳам сизмас торсан бунчалар нега?*

*Бир сахийсан, бирда ўта баҳилсан,
Гоҳо нодон, гоҳ доно, гоҳ оқилсан.*

*Ох, нозиксан, ҳар не ботиб кетади,
Баъзан дийданг тошдек қотиб кетади.*


*Лов-лов ёнсанг ўчириб бўлмас сени,
Гоҳ сокинсан тушуниб бўлмас сени.*

*Зиддиятлар сенда экан мужассам,
Барчасига айтчи қандай чидайсан?*

* * *

*Яшашдан маъни йўқ юрак бўлмаса,
Одамзод кимгадир керак бўлмаса,
Кўнгилда бир оппоқ тилак бўлмаса,
Тилагим чин дилдан суйдиргин фақат,
Яшашга ўргатгин мени, муҳаббат...*

*Ишқнинг уммониغا гарқ бўлгин кўнглим,
Шунчаки яшашдан афзалдир ўлим.
Бўлай Лайли, Ширин, Зухро ҳам ўзим,
Алардек ёндиргин, куйдиргин фақат,
Яшашга ўргатгин мени, муҳаббат...*



СЕВГИ

*Юракдаги санчиқсан, севги,
Гоҳ ширин, гоҳ аччиқсан, севги.
Бунча қаҳри қаттиқсан, севги,
Меҳрингга зор бўлдим бир умр.*

*Сенда бўлса қувонч, бахт, омад,
Бор эди-ку менда садоқат.
Заррача ҳам қилмасдан шавқат,
Меҳрингга зор этдинг бир умр.*

*Мен телбани этмассан писанд,
Ё гуруринг шунчалик баланд.
Интилсам-да, мен сенга ҳарчанд,
Меҳрингга зор ўтдим бир умр.*

*Не кўйларга солмадинг, севги,
Азоблашдан толмадинг севги.
Уволимга қолмагин энди,
Меҳримга зор бўлиб бир кун.*

СЕНСИЗ...

*Гунох ўтсин майли мендан,
Узолмасман кўзим сендан.
Севиб қолдим юрагимдан,
Жоним, сендан кечолмасман,
Кечир, йироқ кетолмасман.*

*Ўғирладинг ҳаловатим,
Сени деб йўқ фарогатим.
Ишқдан экан жароҳатим,
Жоним, сендан кечолмасман,
Кечир, йироқ кетолмасман.*

*Юрагимни эздику гам,
Шунча дардим бўлдим кам.
Ҳайдасангда барибир ҳам,
Жоним, сендан кечолмасман,
Кечир, йироқ кетолмасман.*

*Ҳеч бўлмаса тингла сўзим,
Ҳажрингда зор бўлган ўзим.
Сенсиз ҳаёт менга ўлим,
Жоним, сендан кечолмасман,
Кечир, йироқ кетолмасман.*

МУҲАББАТНИНГ ОСМОНИДАН...

*Баҳор кетди, қувончимни бошлаб
кетди,
Қалдиргочлар юрагимни гашлаб кетди.
Бевафо ёр ҳижронларга ташлаб
кетди.
Кетолмадим, бирга-бирга кетолмадим.*

*Қаламим-ла муножотни куйлагайман,
Тўлин ойга ўтган куним сўйлагайман.
Кеча-кундуз фақат шунини ўйлагайман,
Айтолмадим нега, нега айтолмадим...*

*Бу дунёдан умидимни узган маҳал,
Ғам-ташвишлар куйган дилим эзар
баттар.
Орзуларим чексиз эди осмон қадар,
Етолмадим нега, нега етолмадим.*

*Тўйиб-тўйиб ичиб ишқнинг шаробидан,
Кўкка учдим, ёлгон дунё азобидан.
Юлдуз бўлиб муҳаббатнинг осмонидан,
Қайтолмадим ерга, ерга қайтолмадим.*

МЕНИ СОГИНСАНГИЗ...

*Мени согинсангиз самога боқинг,
Нигоҳингиз узманг кеча-ю кундуз.
Юрагим қуёшдир, чехрам тўлин ой,
Билсангиз кўзларим-порлаган юлдуз.*

*Мени согинсангиз дарёга боқинг,
Куйган ошиқларга тилангиз бардош.
Дарё-ишқ уммони кўнглимга сигмай,
Кўзим қиргогидан тошиб оққан ёш.*

*Мени согинсангиз дунёга боқинг,
Тушингиз, ўнгингиз, ҳаёлингизда.
Ҳар неки мен бўлиб кўринсин фақат,
Бахт олиб кирайин ҳаётингизга.*



БУНЧА

*Бу дунёда яшайди бир қиз
Юрагида яширин бир ҳис.
Қалб тўридан жой олган бир сиз,
Бунча сизни яхши кўрмаса.*

*Буюк экан муҳаббат буюк,
У барчага баробар суюк.
Юраккинам оловдек куюк,
Бунча сизни яхши кўрмаса.*

*Зори бор-у зўри йўқ бизлар,
Тегрангизда парвона қизлар.
Неча-неча гўзал ой юзлар,
Бунча сизни яхши кўрмаса.*

*Азобларга қолмайсиз ҳеч вақт,
Бошингизда доим тож-у тахт.
Кулиб туриб эшик очган бахт,
Бунча сизни яхши кўрмаса.*

*Дардли чикди шўҳ куйлаганим,
Армон экан кўп ўйлаганим.
Мени суйган-мен суймаганим,
Бунча мени яхши кўрмаса.*

* * *

Сокин анҳор бӯйларида,
Ўтирибман ўйланиб.
Қарай десам қаролмасман,
Сиз томонга бӯйланиб.

Юрагимдан кетмас бўлиб,
Қолди-ку ишқ жойланиб.
Ғам-андуҳга тўлган кўнглим,
Оқди сувдек сойланиб.

Сокин анҳор бӯйларида,
Ўтирибсиз ўйланиб.
Нега бир бор қарамайсиз,
Биз томонга бӯйланиб.

Ҳаётимнинг мазмунисиз,
Қолдим ипсиз боғланиб.
Юраккинам қоврилди-ку,
Ишқ ўтида доғланиб.



БИЛМАЙСАН

*Сен мени билмайсан, чин дилдан,
Юракдан севишим, сүйишим.
Сен мени билмайсан, сени деб,
Ишқингда чўғ бўлиб куйишим.*

*Сен мени билмайсан, сенсиз бу,
Кўзимга кенг дунё торлигин.
Ох, қани билсайдинг бир бора,
Васлингга бир телба зорлигин.*

*Сен мени билмайсан, мен сени,
Қўмсайман ичикиб, соғиниб.
Мен ахир бу ёруғ дунёда,
Яшайман бир сенга сизиниб.*



СИЗНИ КУТИБ

*Сиз келасиз, қаршингизда,
Бош эгаман мисли гул.
Чўғ кўраман шаштингизда,
Ўзни унутиб буткул.*

*Сиз кетасиз, ортингизда,
Мен қоламан қараб йўл.
Юраккинам парча ўтга,
Айланади-ей буткул.*



СИЗ УЧУН ЯШАРМАН...

*Маҳзуна кўзларим сиз учун,
Пинҳона сўзларим сиз учун.
Баҳор-у ёзларим сиз учун,
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

*Бегимсиз, камина қулингиз,
Ой бўлиб ёритай йўлингиз.
Мен ахир ягона гулингиз,
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

*Юракда ажиб ҳис тўйдим-а,
Гоҳ ёндим, гоҳида куйдим-а.
Дунёда бир сизни суйдим-а,
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

*Гоҳ кулиб, йигладим сизни деб,
Бағримни тигладим сизни деб.
Ўзгани демадим, сизни деб,
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

*Беш кунлик дунёдир, бир дунё
Ўйламанг севгини деб рўё.
Ўлгунча то абад дер Зухро:
Сиз учун яшарман, сиз учун.*

ЮРАККИНАМ

*Юраккинам, сен уриб тургин,
Мен ҳали кўп яшамоқчиман.
Эварали бувим мисоли
Мен ҳам ошим ошамоқчиман...*

*Юраккинам, огримай тургин,
Ташвишларим оламда кўпдир.
Бор-йўғини бахшида этган
Нима бердим мушфиқ онамга.
Юраккинам, огримай тургин,
Орзуйимга мен ҳам етайин.
Яхшиликлар қилай ҳали кўп,
Одамларга қўлдан келганча.*

*Юраккинам, сен уриб тургин,
Ҳеч тўхтама киргумча юзга.
Ҳаётимни бахт сари бургин
Ҳар лаҳзасин суртайин кўзга...*

ДУРДОНАГА

(7 ойлик жиянимга)

*Эркалайман мен севиб,
Кўзлари мунчоқ-мунчоқ.
Интиласан талпиниб,
Гар очсам сенга қучоқ.*

*Ширингина буриб лаб,
Олиб қочасан кўзинг.
Кулганингда қиқирлаб,
Сезаман айтмоқ сўзинг...*

*Чиқилласа «шиқилдоқ»,
Завқланиб шод куласан.
Жимликка йўқ тоқатинг
Шўхгина қиз бўласан.*

ТЎРТЛИКЛАР

*Яхшилик қилайлик, бўлайлик яхши,
Ортимизда қолсин мудом яхши ном.
Дунёда ягона ҳақиқат ҳаққи
Тўлсин қалбимизга эътиқод иймон.*

* * *

*Кенга кенгдир торга тор дунё,
Дилга берди кўп озор дунё.
Аввал унда мавжуд эдим мен,
Энди менда бори бор дунё.*

* * *

*Кимга ҳар кун, ҳар оним садқа,
Кимлар учун жаҳоним садқа.
О, муҳаббат, ёлғиз сен учун
Худо берган бир жоним садқа.*

* * *

*Манманлик ҳурматга келтирар завол,
Ҳурматинг қандайкин бер ўзга савол.
Камтар бўл мансабинг баландми,*

пастми

Инсондир ҳурматда тенгдир билиб ол.



МУНДАРИЖА

Ватан	3
Зулфияхонимнинг 90 йиллигига	4
Отажоним армоним	5
Устоз	7
Болалик	8
Куз келса	8
Армон яширин	9
Унутиш оғир	10
Дарли дунё	11
Олис-олис томонларда	11
Ўтинч	13
Қабристондан бошланар баҳор	14
Кўнгил	16
Севги	18
Сенсиз	19
Муҳаббатнинг осмонида	20
Мени соғинсангиз	21
Бунча	22
Билмайсан	24
Сизни кутиб	25
Сиз учун яшарман	26
Юраккинам	27
Дурдонага	28
Тўртликлар	29

Адабий – бадиий нашр
Зухраҳон Абдулҳақимхон қизи

БОЛАЛИКНИ ҚЎМСАЙДИ КЎНГИЛ

Шеърлар

Муҳаррирлар:	Ғаффор Расул. Муҳаббат Иброҳим қизи.
Техмуҳаррир:	Ғ. МУЛЛАБОЕВ
Мусаҳҳиҳ:	С. ХОЖАЕВ
Компютерда саҳифаловчи:	А. ТОШХОЖАЕВ



Теришга 22.01.2008 йилда берилди. Босишга 08.02.2008 йилда
рухсат этилди. Газета қоғозига офсет усулида чоп этилди.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 2 босма табок. Адади 500 нусха.
Буюртма № 58. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Фаргона» нашриёти, Соҳибқирон Амур Темур кўчаси 28-уй,
1-қават.

«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.